YURT TARAQQIYOTI YO‘LIDA BIRLASHAYLIK!

Ishonch

2026-yil, 3-sentabr, payshanba
№108 (5328)

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan
O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

КУННИНГ МУҲИМ ВОҚЕАЛАРИ

2 сентябрь куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримовни хотирлаш маросими бўлиб ўтди.

Президент Шавкат Мирзиёев Ислом Каримов номидаги илмий-маърифий ёдгорлик мажмуасига ташриф буюриб, Биринчи Президентимиз ҳайкали пойига гулчамбар қўйди.

Хотира тадбирлари Самарқанд ва Қарши шаҳарларида ҳам бўлиб ўтди.

* * *

Президент Шавкат Мирзиёев аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш якунлари ҳамда миллий статистика тизимида ислоҳотларни жадаллаштиришга қаратилган таклифлар тақдимоти билан танишди.

Давлатимиз раҳбари аниқ, тезкор ва ишончли статистика давлат сиёсатини белгилаш, ҳудуд ва тармоқларни ривожлантириш бўйича тўғри қарорлар қабул қилишнинг муҳим шарти эканини таъкидлади.

Мутасаддиларга рўйхатга олиш натижаларини чуқур таҳлил қилиб, давлат дастурларида кенг қўллаш, бизнесни рўйхатга олиш тадбирини сифатли уюштириш, маълумотларни бошқаришнинг ягона тизимини жорий қилиш ҳамда миллий статистика тизимини халқаро стандартлар асосида изчил ривожлантириш бўйича топшириқлар берилди.

* * *

Президент Шавкат Мирзиёев Жиззах вилоятида интеграциялашган атом электр станцияси ҳамда унга ёндош замонавий шаҳарча барпо этиш бўйича амалга оширилаётган ишлар тақдимоти билан танишди.

Давлатимиз раҳбари атом станцияси ва атомчилар шаҳарчаси қурилишини юқори сифатда, хавфсиз ва белгиланган муддатларда амалга ошириш, маҳаллий корхоналар иштирокини кенгайтириш, инфратузилма ҳамда кадрлар тайёрлаш ишларини уйғун ташкил этиш бўйича мутасаддиларга аниқ топшириқлар берди.

* * *

Миср Араб Республикаси пойтахти Қоҳира шаҳрида ўтказилаётган халқаро анжуманнинг тантанали очилиш маросимида Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Шайх Нуриддин Холиқназар нуфузли мукофот – Имом Қарофий номидаги «Фатво соҳасидаги юксак хизматлари учун» халқаро мукофоти билан тақдирланди.

* * *

Юртимизда меҳмон бўлиб турган АҚШ Сенатининг Марказий Осиё бўйича кокус ҳамраиси, сенатор Стив Дэйнс бошчилигидаги делегация Самарқанд шаҳрининг тарихий ёдгорликлари ва диққатга сазовор масканларида бўлди.

* * *

Ўзбекистонлик founder Бекназар Абдикамалов томонидан асос солинган Speko стартапи бугун машҳур «Product Hunt» платформасида тақдим этилди.



ЎзА

ЯНГИ ОРЗУЛАР ҚЎНҒИРОҒИ

Янги ўқув йили Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мактаб ўқувчилари ва устоз-мураббийларга йўллаган табриги билан янада кўтаринки руҳда бошланди.

Бу йилги «Билимлар куни» мамлакатимиз мустақиллигининг 35 йиллигига ҳамоҳанг тарзда «Ягона Ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт ва келажак яратамиз!» деган эзгу шиор остида янада кўтаринки руҳда нишонланди.

2 сентябрь куни юртимиз бўйлаб барча таълим муассасаларида «Биринчи қўнғироқ» тадбирлари ташкил этилди.

Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ахборот хизмати маълумотига кўра, республика бўйича 1-синфга қабул қилинган 795 минг нафардан ортиқ ўқувчига 12 номдаги ўқув қуролларидан иборат «Президент совғалари» тақдим этилди.

Шундан сўнг барча таълим муассасаларида биринчи дарс соати сифатида «Келажак соати» машғулотлари ўтказилди.

2026/2027 ўқув йилида мамлакатимиздаги мавжуд 10 минг 225 та умумтаълим мактабида 550 мингдан ортиқ ўқитувчи 6,7 миллион нафардан зиёд ўқувчига таълим-тарбия беради.

Янги ўқув йилининг «Биринчи қўнғироқ» садолари остида бошланиши эса нафақат ўқувчилар, балки устозлар, ота-оналар ва бутун жамият учун янги мақсад ва янги марралар сари интилиш даври бошланганини англатади.



Одил Рено-Бассо
Европа тикланиш ва тараққиёт банки президенти:

Сўнгги 10 йиллик ислоҳотлар Ўзбекистонни тубдан ўзгартирди

Сўнгги ўн йил ичида амалга оширилган ислоҳотлар Ўзбекистоннинг инвестициявий муҳитини тубдан ўзгартирди. Хусусийлаштириш, ерости бойликларидан фойдаланиш ва электр энергияси каби йўналишлардаги янги қонунлар иқтисодиётни янада ривожлантирди.

Бундан ташқари, ЕТТБ ҳамраислик қиладиган Хорижий инвесторлар кенгаши сингари йирик институтлар сармоядорларнинг фикр ва таклифлари инобатга олинишини ҳамда амалда ўз аксини топишини таъминламоқда.

Ўзбекистон Миллий инвестиция жамғармаси портфелига кирувчи компаниялар акцияларининг Лондон фонд биржасида жойлаштирилиши муҳим босқичлардан бири бўлди. Бу мамлакат акцияларининг халқаро капитал бозорида илк бор оммавий жойлаштирилиши бўлиб, ўтказилаётган ислоҳотлар аниқ ва амалий натижалар бераётганининг ишончли далилига айланди.

Батафсил маълумот олиш учун «Ishonch»нинг Телеграм каналига ўтинг:

Ўзбекистонга доимий яшаш учун кўчиб келувчилар сони кескин ошди

Батафсил маълумот олиш учун «Ishonch»нинг Телеграм каналига ўтинг:

КОНТРАКТ НАРХИ ОШДИ бу таълим сифатига таъсир қиладими?

Давра суҳбати

МАҚСАД – АЪЗОЛАР МАНФААТИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Хоразм вилояти кенгашида «Меҳнат соҳасидаги муҳим аҳамиятга молик масалалар» мавзусида жамоатчилик эшитуви ва давра суҳбати ўтказилди. Унда вилоят кенгаши масъул ходимлари, тармоқ касаба уюшмалари, шаҳар ва туман кенгашлари, ҳамкор ташкилот ва муассасалар раҳбарлари, иш берувчилар ҳамда касаба уюшмалари фаоллари иштирок этди.

Кенгаш раиси Гулсара Қурбонбоева мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида ходимларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, улар учун муносиб ва хавфсиз меҳнат шароитлари яратишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Давра суҳбатида меҳнат соҳасига оид долзарб масалалар юзасидан мутасадди ташкилотлар вакилларининг маърузалари тингланди.

Шундан сўнг касаба уюшмалари фаоллари томонидан вилоят ва республика даражасида ечимини кутаётган қатор масалалар муҳокама қилинди. Иш ўринларини аттестациядан ўтказиш, ходимларни шахсий ҳимоя воситалари билан таъминлаш, иш ҳақи ва ижтимоий тўловларни ўз вақтида тўлаш, таълим тизимидаги ташкилий-молиявий муаммоларни ҳал этиш бўйича тушунтиришлар берилди.

Худойберган ОТАЖОНОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Хоразм вилояти кенгаши бўлим мудири

ҲАҚ ОЛИНУР...

Паркент туманидаги 22-давлат мактабгача таълим ташкилотида ишлаган Ҳадича Раҳматова фойдаланилмаган меҳнат таътили учун ҳақ берилмаганидан норози бўлиб, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига мурожаат қилди. Инспекторларнинг саъй-ҳаракати билан ходимнинг 2018–2026 йиллардаги меҳнат фаолияти даврида фойдаланмаган таътиллари учун маблағ ундириб берилди.

Фуқаро Дилмурод Нишанбоевнинг Федерацияга йўллаган мурожаати асосида Янгийўл туманида жойлашган «Янгийўл ёғ-мой» АЖ корхонаси томонидан ойлик иш ҳақи қарздорлиги сўндирилиши белгиланди.

Янгийўл тумани Ободонлаштириш бошқармаси ходими Шерзод Мирзаев ишга кирганидан олти ой ўтгач, огоҳлантириш ҳам берилмасдан ишдан бўшатилди. Сабабини сўраб маъмуриятга учраганида, ундан аввал ишлаган ходимнинг ўз ишига тикланганини айтишди. Ҳолбуки, бундай ҳолатда иш берувчи унга ўзига муносиб бошқа иш таклиф қилиши лозим эди.

Мурожаат асосида олиб борилган ўрганишлар давомида иш берувчи меҳнат шартномасини бекор қилишда Меҳнат кодекси талаблари бузилгани маълум бўлди. Камчиликларни бартараф этиш учун иш берувчига киритилган кўрсатма хатининг ижроси ҳам таъминланмади. Масала судга оширилди. Натижада Ш.Мирзаев ишга тикланди ҳамда мажбурий бекор юрган кунлари учун иш берувчидан 19 миллион сўмга яқин маблағ ундириладиган бўлди.

Шу каби мурожаатлар Тошкент вилояти кенгаши кўплаб ходимларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишига асос бўлмоқда. Бундан ташқари, ташкилотда аҳолининг бандлигини таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида мингдан зиёд ишсиз фуқаро ишга жойлаштирилди.

Ҳуқуқ

Касаба уюшмаларининг вазифаси фақатгина бузилган меҳнат ҳуқуқини тиклаш билан чекланмайди, албатта. Тизим фаолиятида ходимлар ва уларнинг оила аъзолари, ногиронлиги бор ёки ўзгалар парваришига муҳтож кишилар, кам таъминланган оилалар, олий ўқув юртларида таҳсил олаётган иқтидорли талабаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш устувор аҳамият касб этади. Шу йилнинг ярим йиллиги ҳисобидан контракт тўловлари учун 395 миллион сўм маблағ йўналтирилгани сўзимиз исботи.

Албатта, бу ишларнинг замирида инсон тақдири, уларнинг эртанги кунга ишончи мужассам. Зеро, меҳнати қадрланаётганини, ҳақ-ҳуқуқлари ишончли ҳимояда эканини ҳис қилган ходимнинг ишида барака бўлади

Нурсултон БЕКТОШЕВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Тошкент вилояти кенгаши бўлим мудири,
Машраб МИРЗАЕВ,
Тошкент вилояти кенгашининг меҳнат ҳуқуқ инспектори

Учрашув

ҲАР АВЛОДНИНГ ЎЗ СЎЗИ БОР

Фурқат тумани тиббиёт бирлашмасида «Уч авлод учрашуви» ташкил этилди. Унда тиббиёт муассасасида узоқ йиллар фидокорона меҳнат қилиб, бугунги кунда кексалик гаштини сураётган соҳа фахрийлари ҳамда ёш ва жонкуяр ходимлар иштирок этдилар.

Тадбир давомида фахрийлар меҳнат фаолияти, касб йўли, соҳада кечган унутилмас йиллар, устоз-шогирд анъаналари ва ҳаётий тажрибалари билан ўртоқлашдилар.

Бир пиёла чой устида кечган самимий мулоқот тадбирга ўзгача файз ва кўтаринки руҳ бағишлади.

Учрашув якунида фидойи тиббиёт ходимларига касаба уюшмасининг эсдалик совғалари топширилди.

Ҳамзахон АҲМЕДОВА,
Фурқат тумани тиббиёт бирлашмаси касаба уюшмаси қўмитаси раиси

Ким агар дўстлар ила якдил бўлур,
Барча мақсуди анинг ҳосил бўлур.
Фаридиддин Аттор

Эркин минбар

Сўнгги йилларда мамлакатимизда «Инсон қадри учун» тамойили асосида меҳнат муносабатлари, хусусан, ходимларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида қатор ислоҳотлар амалга оширилди. Айниқса, янги таҳрирдаги Меҳнат кодекси, Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 21 июлдаги 454-сонли ҳамда 24 декабрдаги 819-сонли қарорлари бу йўналишда муҳим ҳуқуқий асосларни белгилаб берди.

МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИДАГИ «КЎРИНМАС» МУАММОЛАР

Аммо қонунчилик қанчалик мукаммал бўлмасин, унинг амалда қандай ишлаши ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Чунки меҳнат хавфсизлиги фақат меъёрий ҳужжатлар ёки текширувлар билан таъминланмайди. Бунинг учун иш жойида хавфни олдиндан кўра билиш, ходимни ҳимоя қилиш ва хавфсизлик маданиятини шакллантириш керак. Афсуски, бу борада ҳануз ечимини кутаётган «кўринмас» муаммолар бор.

Меҳнат муҳофазаси деганда кўпинча кўз олдимизга бошига каска кийган қурувчи ёки завод ишчиси келади. Аслида эса унинг қамрови анча кенг. Хавфсиз меҳнат шароити офисда ишлаётган ходим учун ҳам, ишлаб чиқариш цехидаги ишчи учун ҳам бирдек муҳим.

Энг аввало, меҳнат муҳофазасидаги расмиятчиликка барҳам бериш зарур. Айрим ташкилотларда ходим ишга қабул қилинаётганда ёки даврий йўриқномадан ўтаётганда узундан-узун журналга имзо қўяди. Лекин бу билан хавфсизликни таъминлаб бўлмайди. Ёнғин содир бўлганда қайси йўлакдан чиқиш, ускуна ишдан чиққанда қандай ҳаракат қилиш, ҳамкасби жароҳат олса, биринчи тиббий ёрдам кўрсатишни амалда билмаслик мумкин. Фавқулодда вазиятларда эса қоғоздаги билим эмас, амалий кўникма иш беради. Шундай экан, меҳнат муҳофазаси бўйича ўқувларни қуруқ маърузалар билан эмас, амалий машғулотлар ва реал вазиятларга яқин симуляциялар асосида ташкил этиш вақти келди. Зеро, ходим хавфни фақат қоғозда эмас, амалда қандай бартараф этишни ҳам билиши зарур.

Яна бир жиддий муаммо – бахтсиз ҳодисаларнинг яширилиши. Айрим ҳолларда иш берувчи текширув, жарима ёки ортиқча қоғозбозликдан қочиш мақсадида енгил ёки ўртача жароҳатларни расмийлаштирмасликка ҳаракат қилади.

Масалан, ходим қўлини жароҳатлади ёки куйиб қолди. Унга даволаниш харажати тўланади ва масала шу билан ёпилади. Аммо ҳодисага сабаб бўлган хавфли омил ўзгармай қолаверади. Ваҳоланки, бугун бир ходимнинг бармоғини кесган ускуна эртага бошқа бир ишчининг ҳаётига хавф солиши мумкин. Шу боис бахтсиз ҳодисани яшириш эмас, унинг сабабини аниқлаш ва шундай ҳолат яна такрорланишининг олдини олиш муҳим.

Меҳнат муҳофазаси масаласига яна бир томондан қараш жоиз: хавфсизлик фақат каска, қўлқоп ёки махсус кийим-бош билан ўлчанмайди. Бугун касбий ёниш, сурункали стресс, иш жойидаги психологик босим ҳам ходим саломатлигига жиддий таъсир кўрсатяпти. Демак, инсонни иш жойида ҳимоя қилиш деганда унинг нафақат танаси, балки руҳий ҳолати ҳам назарда тутилиши лозим.

Офис ходимларнинг меҳнат шароити ҳам кўпинча эътибордан четда қолади. Нотўғри танланган стол ва стул, хонада етарлича ёруғлик йўқлиги, ҳаво алмашинувининг яхши йўлга қўйилмагани кўриш қобилияти, умуртқа поғонаси ва умумий саломатликка салбий таъсир қилиши мумкин. Шу маънода меҳнат муҳофазаси тизимига психологлар ва бошқа тегишли соҳалар вакилларини жалб қилиш бугунги меҳнат бозори талабига айланяпти.

Ишлаб чиқаришда тежамкорликнинг инсон саломатлиги ҳисобига амалга оширилиши алоҳида ташвиш уйғотади. Айрим корхоналарда шахсий ҳимоя воситалари – респиратор, махсус кийим ва пойабзал харидида нарх биринчи ўринга чиқиб қолади. Арзон восита эса ҳар доим ҳам сифатли ҳимоя дегани эмас. Сифатсиз ҳимоя воситалари ходимни чанг, заҳарли газ, шовқин ёки бошқа хавфли омиллардан етарлича асрай олмайди.

Тўғри, бунинг оқибати дарҳол кўринмаслиги мумкин. Лекин йиллар ўтиб, бунинг асорати сезилади, яъни касб касалликлари, нафас йўлларининг зарарланиши ёки эшитиш қобилиятининг пасайиши каби муаммолар юзага чиқади. Инсон саломатлиги ҳисобига тежалган маблағ эса кейинчалик даволаниш харажатлари, меҳнат қобилиятини йўқотиш ва ижтимоий тўловлар кўпайишига сабаб бўлади.

Меҳнат муҳофазаси ҳақида гап кетганда норасмий бандлик масаласини ҳам четлаб ўтиб бўлмайди. Қурилиш, қишлоқ хўжалиги ва маиший хизмат кўрсатиш каби соҳаларда меҳнат шартномасисиз ишлаётган фуқаролар хавфсиз меҳнат шароити бўйича энг заиф қатлам ҳисобланади. Улар кўпинча хавфли шароитларда ишлайди, аммо бахтсиз ҳодиса юз берганда ҳуқуқий ва ижтимоий кафолатлари чекланган бўлади. Гап инсоннинг иш жойидаги ҳуқуқи, ҳаёти ва саломатлиги ҳақида кетаркан, ҳар қандай меҳнатни қонуний тартибда амалга ошириш жоиз.

Бу жараёнда касаба уюшмалари, меҳнат муҳофазаси бўйича вакиллар ва жамоатчилик назоратининг ўрни катта. Улар фақат қонунбузилишини қайд этувчи назоратчи эмас, балки иш берувчи ва ходим ўртасида ишончли кўприк бўлиши керак. Муаммо юзага келгандан кейин уни қайд этишдан кўра, хавфни олдиндан аниқлаш ва бартараф этиш самаралироқ.

Аслида меҳнат муҳофазасига муносабатни ўзгартириш учун, аввало, унинг мақсадини тўғри англаш даркор. Бу иш берувчи учун жаримадан қутулиш воситаси ёки навбатдаги ҳисобот банди эмас, аксинча, инсон ҳаёти, ходимнинг соғлиғи ва корхонанинг барқарорлигига қилинган сармоядир.

Давронбек САМАРБЕКОВ,
Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши бош мутахассиси

Касаба уюшма фахрийлари

ЭЛ ДАРДИДА ЎТАЁТГАН КУНЛАР

Ишдан қайтган Матлубанинг кўзлари стол устида турган очиқ альбомга тушди. Ҳойнахой, неваралари томоша қилишган бўлса керак. У анчадан бери оилавий фотосуратларини кўрмагани учунми, диванга чўкиб, альбомни варақлай бошлади...



Суратлар унинг хаёлида ёшлик йилларини жонлантирди.

1980 йил... Тошкент халқ хўжалиги институтини тамомлаган Матлуба Ҳакимова ўзи туғилиб ўсган Самарқанд шаҳрига кетмоқни режалаштирганди. Аммо уни чўлни ўзлаштираётганлар сафида Жиззах вилоятининг Зафаробод туманига йўллашди.

Матлуба туман марказидаги ҳунар-техника билим юртида бухгалтерия ҳисоби фанидан дарс бера бошлади. Бу жараёнда у зиёли ва ташкилотчи мутахассис сифатида ҳамкасбларининг эътиборини қозонди. Шу боис чўлни ўзлаштириш масалаларига бағишланган анжуманда Матлубага жамоа номидан нутқ сўзлаш ишониб топширилди.

> *Бир куни опа ҳисоблаб кўрса, ёши 72 ни қоралаб, соҳада фаолият юритаётганига ҳам 40 йилдан ошибди. Шу боис Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Жиззах вилояти кенгашига лавозимни топшириш юзасидан таклиф берди. Аммо раҳбарият «Бу ишни сиздек эплайдиган мутахассисимиз йўқ» дея унинг илтимосини рад этди.*

Тадбирда майда гулли оқ рўмол ўраган ёш муаллима одамларни Мирзачўлга жалб қилиш учун муносиб шароитлар яратишга оид жўяли таклифларни илгари сурди. Натижада кўпчиликда «Бу қиз масъулиятли вазифаларни бажаришга қодир» деган фикр уйғонди.

Қисқаси, муаллима 1982 йили Зафаробод тумани касаба уюшмалари кенгаши раислигига сайланди. Ўшандан буён умрини мазкур соҳага бағишлаб келмоқда. Шундан бери ҳеч бир кун йўққи, бирор муаммони ҳал қилмаган, кимнингдир ҳуқуқини ҳимояламаган ёки моддий ёрдам кўрсатмаган бўлса.

Эътиборлиси, у 40 йилдан ошиқ вақт давомида бировнинг кўнглини қолдирмади. Ҳамиша одамлар дардини эшитди, ҳамма билан самимий муносабатда бўлди, адолат мезонларини бузмади. Меҳнатдаги муваффақиятларига ҳокимлик, кластер ва фермер хўжаликлари уюшмалари билан яқин ҳамкорликни йўлга қўя олгани омил бўлаётир.

Яна бир маълумот: туман пиллачилигини усиз тасаввур қилиб бўлмайди. Чунки ҳар мавсумда Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Зафаробод тумани кенгаши раиси сифатида уйма-уй юриб, аёлларга 2,5 ой пиллачилик билан шуғулланса, бир йиллик меҳнат стажига эга бўлиши мумкинлигини тушунтиради. Пилла етиштириш жараёнида эса уларнинг муаммоларига ечим топади.

Мавсум якунлангач, фермер хўжаликлари ҳомийлигида пиллачилар учун юртимизнинг қадимий гўшаларига саёҳатлар уюштиради, фаолларга моддий ёрдам ажратилишига эришади. Пахта терими мавсумида ҳам шийпонлардаги шароитни ўнглаш борасида жон куйдиради. Қолаверса, мавсум давомида теримчилар ташвишларини аритиш, ҳуқуқларини ҳимоялаш борасида тиним билмайди. Шунинг учун бўлса керак, ҳокимликдагилар ҳам, фермерлар ҳам унга суянишади. Ўз навбатида, улар ҳам Матлуба Ҳакимованинг сўзини ерда қолдиришмайди.

Натижада бу йил «Аёллар дафтари»да рўйхатга олинганлар ва фаол хотин-қизлар иштирокида Самарқанд ва Тошкент шаҳарларига 3 марта саёҳат уюштиришга муваффақ бўлди. Бундан ташқари, 10 киши касаба уюшмалари ҳисобидан сиҳатгоҳларда саломатлигини тиклади. Яна бир гуруҳ вакилларнинг вилоят марказидаги концертларда кўнгилли дам олиши таъминланди. Йил сўнгига қадар шу каби яна бир қатор эзгу ишларни амалга оширишни режалаштирган.

Табиийки, унинг қилган меҳнатлари эътирофсиз қолмаётир. Жумладан, «Меҳнат фахрийси» кўкрак нишони ҳамда мамлакатимиз Мустақиллиги саналари муносабати билан таъсис этилган эсдалик нишонлари билан тақдирланган. 2022 йилда давлатимиз раҳбарининг фармонига мувофиқ «Шуҳрат» медали билан мукофотланди.

Унинг оиласи ҳам файзли. Турмуш ўртоғи Тоир Қўшонов билан биргаликда икки нафар фарзандни улғайтиришди. Ўғли Жасур ички ишлар органлари фахрийси, ҳозирда тадбиркорлик билан шуғулланяпти. Қизи Гулноза ҳам ишбилармон, сайёҳлик фирмасини бошқармоқда. 7 нафар набираси бор.

Бир куни опа ҳисоблаб кўрса, ёши 72 ни қоралаб, соҳада фаолият юритаётганига ҳам 40 йилдан ошибди. Шу боис Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Жиззах вилояти кенгашига лавозимни топшириш юзасидан таклиф берди. Аммо раҳбарият «Бу ишни сиздек эплайдиган мутахассисимиз йўқ» дея унинг илтимосини рад этди.

Бу гап уни қувонтирди. Шундан бери тиним билмайди, ёшлик йилларидаги каби билдирилган ишончни оқламоққа астойдил интилади.

Алижон АБДУСАТТОРОВ
«ISHONCH»

Шукуҳ

Мустақиллигимизнинг 35 йиллик байрами шукуҳи давом этаётган шу кунларда Андижон вилоятидаги ободонлаштириш бошқармаларида фаолият кўрсатаётган 1270 нафар ходим «Вақф» хайрия жамоа фондининг байрам совғалари билан сийланди. Шу муносабат билан ўтказилган тадбирда вилоят ҳокими ўринбосари А.Отабоев, бош имом-хатиб М.Алимов, «Вақф» хайрия жамоат фонди вилоят филиали раҳбари Х.Сулаймонов ва бошқалар йиғилганларни улуғ айём билан қутлаб, ўзларининг самимий дил сўзларини изҳор этишди.

УЛАР ҲАР ҚАНЧА РАҒБАТГА МУНОСИБ

Фонд томонидан тадбирга таклиф этилганларнинг 350 нафарига озиқ-овқат маҳсулотлари, 720 нафарига пул маблағлари, шунингдек, 200 нафарининг фарзандлари учун ўқув қуроллари ҳамда кийим-кечаклар туҳфа қилинди.

– Ҳар бир касб-ҳунарнинг ўзига яраша машаққати бор, аммо ҳар қандай об-ҳаво шароитида кўча ва хиёбонларимиз саришталигини бирдай таъминловчи ходимларнинг меҳнатлари қадрли, – дейди Андижон шаҳри ободонлаштириш бошқармаси бошланғич касаба уюшмаси раиси Фурқатбек Мирзаев. – Шу боис улар ҳар қанча рағбатга муносиб. Ходимларимизнинг ижтимоий ҳимоясига иш берувчи ва касаба уюшмалари томонидан доимий эътибор қаратилиб келинмоқда. Фонд қўллаб-қувватлови ҳам бизни хурсанд қилди.

Хайрулло АЛИМЖОНОВ,
Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари касаба уюшмаси Андижон вилояти ҳудудий бўлинмаси бўлим мудири

Эътибор



КУТИЛМАГАН ТУҲФА

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Қўқон шаҳар кенгаши томонидан тармоқ аъзоларининг 115 нафар фарзандига ўқув қуроллари тўплами тарқатилди. Ушбу хайрли ташаббус болажонларга янги ўқув йилини кўтаринки кайфият ва катта иштиёқ билан бошлашлари учун муносиб рағбат бўлди. Касаба уюшмаларининг бундай кўмаги ота-оналар томонидан ҳам самимий миннатдорлик билан қабул қилинди. Улар фарзандларининг таълими ва келажагига кўрсатилаётган эътибордан мамнун эканликларини билдирдилар.

– Касаба уюшмалари нафақат ходимларнинг меҳнат ҳуқуқлари ва ижтимоий манфаатларини ҳимоя қилади, балки уларнинг оила аъзолари, хусусан, фарзандларини ҳам ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратади, – дейди Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Қўқон шаҳар кенгаши раиси Орифхон Зиёвиддинов.

– Кутилмаган бу туҳфа бизни жуда қувонтирди, – дейди Маҳлиёхон Маҳмудова. – Касаба уюшма томонидан ташкил этилган ташаббус учун биз ота-оналар алоҳида миннатдорлик билдирамиз.

Жамшид ЭРГАШЕВ
«ISHONCH»

Анжуман

ТЕНГЛИК МУҲИТИ ЗАРУР

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Навоий вилояти кенгашида Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаларининг туман ва шаҳар кенгашлари раислари, Мактабгача ва мактаб таълими бошқармаси ҳамда унинг қуйи бўлинмалари масъул ходимлари иштирокида «Таълим муассасаларида гендерга оид аудит ўтказишнинг тартиб-тамойиллари» мавзусида семинар ўтказилди.

Унда гендер тенглигининг ҳуқуқий асослари, таълим муассасаларида аёллар ва эркаклар учун тенг меҳнат шароитларини яратиш, раҳбарлик лавозимларида хотин-қизлар иштирокини кенгайтириш, жамоада соғлом ижтимоий-психологик муҳитни шакллантириш, тазйиқ ва зўравонликнинг олдини олиш масалалари муҳокама қилинди.

Қайд этилганидек, кейинги йилларда опа-сингиларимизнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, аёлнинг таълим олиши, касб-ҳунар эгаллаши, тадбиркорлик билан шуғулланиши ва жамоат ҳаётида фаол иштирок этиши учун имкониятлар кенгайди.

Семинарда тенг ҳуқуқнинг ҳақиқий қиймати унинг қоғозда эмас, инсон ҳаётида намоён бўлиши билан белгиланиши алоҳида таъкидланди. Хулоса қилинганидек, ҳар бир ходим ўз билими, қобилияти ва меҳнатига яраша рағбатлантириладиган, касбий ўсиши учун имкониятга эга бўладиган муҳит яратилган жойдагина тенглик бўлади.

Маҳбуба ҚАМБАРОВА,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Навоий вилояти кенгаши меҳнат техник инспектори

Бишкек саммити Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг институционал ривожланишидаги янги босқични бошлаб берди. Ўтган 25 йил давомида ШҲТ ўз географиясини кенгайтириб, сиёсий нуфузини ошириб борди ҳамда Евроосиёдаги йирик мулоқот майдонларидан бирига айланди. Энди унинг олдида ана шу салоҳиятни самарали ишлайдиган иқтисодий ва хавфсизлик механизмларига кўчиришдек масъулиятли вазифа турибди.



ТЎСИҚЛАРСИЗ ЕВРООСИЁ

Бишкек саммити ШҲТни сиёсий мулоқот майдонидан амалий ҳамкорлик тизимига айлантириши керак

1 сентябрь куни Бишкекда ўн аъзо давлат раҳбарлари иштирокида ўтган юбилей саммитида Бишкек декларацияси қабул қилинди, ШҲТ Хартиясига ўзгартишлар киритилди. Хавфсизлик, транспорт, энергетика, экология, ахборот технологиялари ва рақамли инфратузилмани қамраб олган 28 та ҳужжат тасдиқланди.

Мазкур ҳужжатлар ташкилотнинг фаолият доираси тобора кенгаяётганини кўрсатади. Бироқ ШҲТнинг келажаги, энг аввало, ушбу ҳужжатлар ижроси билан чамбарчас боғлиқ. Ташкилот ўз сиёсий имкониятларини савдо, транспорт, технология ва хавфсизлик соҳаларидаги аниқ натижаларга айлантира олса, шубҳасиз, сифат жиҳатидан янги босқичга қадам қўяди.

Албатта, ШҲТ таркибидаги ўн давлатнинг сиёсий ва иқтисодий манфаатлари кескин фарқ қилади. Хитой ва Ҳиндистон, Ҳиндистон ва Покистон ўртасидаги зиддиятлар, Россия ва Эроннинг Ғарб билан муносабатлари, Марказий Осиё мамлакатларининг миллий манфаатлари ташкилот ичида ягона ёндашув ишлаб чиқиш масаласини мураккаблаштиради. Айни пайтда ушбу хилма-хиллик ШҲТга Евроосиёнинг катта қисмини қамраб оладиган ноёб мулоқот майдони мақомини беради.

Бишкекда тасдиқланган янги тузилмалар ташкилотнинг институционал асосларини мустаҳкамлашга қаратилган. Хавфсизликка таҳдид ва хатарларга қарши курашиш универсал маркази ҳамда Гиёҳвандликка қарши курашиш маркази Ижроия қўмитаси шулар жумласидан. Синтетик гиёҳванд моддалар тарқалишига қарши дастурлар, ахборот хавфсизлиги режаси, портлар ва логистика марказларини ривожлантириш йўл харитаси ҳам амалий ҳамкорлик учун янги асосларни яратади.

Универсал марказнинг Тошкентда жойлашиши муҳим аҳамиятга эга. Бу Ўзбекистоннинг ШҲТ хавфсизлик тизимидаги ўрни мустаҳкамланаётгани ва мамлакат ташкилот доирасида илгари сурган ташаббуслар аста-секин доимий институтларга айланаётганидан дарак беради.

Мамлакатимизнинг Бишкек саммитидаги энг муҳим ташаббуслари ШҲТнинг узоқ муддатли келажагига қаратилди. Шавкат Мирзиёев Марказий Осиёни ташкилотнинг «географик ва стратегик ўзаги» сифатида таърифлади ҳамда «ШҲТ – 2040: умумий тараққиёт макони» концепциясини ишлаб чиқишни таклиф этди. Бу ёндашув ШҲТни хавфсизлик масалалари муҳокама қилинадиган сиёсий майдондан инвестиция, саноат, инфратузилма ва технологияларни боғловчи амалий тизимга айлантиришни назарда тутади.

Ўзбекистон учун бу ғоя – мамлакатнинг географик ҳолатидан келиб чиқадиган стратегик эҳтиёж. Ўзбекистон денгизга тўғридан-тўғри чиқиш имконига эга бўлмаган ва ўзи ҳам шундай давлатлар билан ўралган мамлакат. Бу ҳолат ташқи савдони транспорт инфратузилмаси, транзит тарифлари, божхона тартиблари, чегара ўтиш пунктлари ва қўшни давлатлардаги сиёсий вазиятга бевосита боғлаб қўяди. Бир йўналишга ортиқча қарамлик эса ҳар қандай инқироз ёки можарони жиддий иқтисодий хатарга айлантиради.

> ШУ САБАБЛИ ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИНИНГ «ШҲТ ПЛЮС» УЧРАШУВИДА АЙТГАН ҚУЙИДАГИ ФИКРИ ЎЗБЕКИСТОН ПОЗИЦИЯСИНИНГ МАЗМУНИНИ АНИҚ ИФОДАЛАБ БЕРГАНИ БИЛАН АҲАМИЯТЛИ: **«ЎЗБЕКИСТОН ЕВРООСИЁ МАКОНИДА ОЧИҚ ВА ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТАРАФДОРИ. БИЗ УЧУН ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИК – СТРАТЕГИК МУСТАҚИЛЛИК ВА БАРҚАРОРЛИК МАСАЛАСИДИР».**

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш керакки, ўзаро боғлиқлик қарамликни англатмайди. Аксинча, муқобил йўллар давлатнинг ҳаракат имкониятини кенгайтиради ва ташқи хатарларга бардошлилигини оширади. Хитой – Қирғизистон – Ўзбекистон темир йўли шарққа чиқиш имконини кенгайтиради. Қозоғистон орқали ўтган йўналишлар Россия ва Европа бозорларига хизмат қилади. Транскаспий йўлаги Озарбайжон ва Жанубий Кавказ орқали Европага олиб боради. Афғонистон йўналиши эса истиқболда Жанубий Осиё портларига чиқиш имконини яратади.

Ушбу йўлакларни ягона транспорт стратегиясининг турли унсурлари ўлароқ таърифлаш мумкин. Уларнинг ҳар бири Ўзбекистоннинг битта бозор, битта транзит давлат ёки битта сиёсий йўналишга боғланиб қолиш хавфини камайтиради. Шу нуқтаи назардан Ўзбекистоннинг ШҲТ давлатлари темир йўл маконларини интеграция қилиш бўйича кенгаш тузиш таклифи муҳим аҳамиятга эга. Янги тузилма логистика инфратузилмасини мувофиқлаштириши ҳамда миллий транспорт тизимларини узвий боғлаши керак. Бишкек саммитида портлар ва логистика марказларини 2026-2030 йилларда ривожлантириш режасининг тасдиқлангани ҳам бу ташаббусни тўлдиради.

Саноат соҳасида ҳам шундай механизм таклиф этилди. Давлатимиз раҳбари махсус иқтисодий зоналар, ишлаб чиқариш жараёнлари, сотув бозорлари ва логистика тизимини ягона рақамли дарчада бирлаштирадиган ШҲТ саноат кооперацияси харитасини ишлаб чиқиш ғоясини илгари сурди.

Шунингдек, Ўзбекистон Президенти ШҲТ Тараққиёт банки амалда ишга тушириш ва транспорт, энергетика, саноат кооперацияси ҳамда рақамли инфратузилма соҳаларидаги лойиҳалар портфелини шакллантиришга чақирди. Чунки банк тақдири ШҲТнинг иқтисодий жиҳатдан қай даражада етук эканини кўрсатадиган асосий мезонлардан бирига айланиши мумкин.

Декларация қабул қилиш учун сиёсий ирода етарли. Умумий молиявий институт эса сармоя, бошқарув қоидалари, кредит сиёсати, хатарларни баҳолаш ва таъсир доирасини белгилаш бўйича келишувни талаб қилади. Мана шу нуқтада умумий мақсадлар билан миллий манфаатлар бирлашади. Агар Тараққиёт банки трансчегаравий лойиҳаларни молиялаштира бошласа, ШҲТ янги иқтисодий салмоққа эга бўлади. Музокараларнинг узоқ давом этиши эса ташкилот ичидаги интеграция имкониятлари чекланганини кўрсатади.

> БИШКЕК САММИТИДА ЯНА БИР ЭЪТИБОРГА МОЛИК СИЁСИЙ МАНЗАРА КЎЗГА ТАШЛАНДИ. ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ИККИ КУН ДАВОМИДА ХИТОЙ РАИСИ СИ ЦЗИНЬПИН, РОССИЯ ПРЕЗИДЕНТИ ВЛАДИМИР ПУТИН ВА ПОКИСТОН БОШ ВАЗИРИ ШАҲБОЗ ШАРИФ БИЛАН МУЗОКАРА ЎТКАЗДИ, БМТ БОШ КОТИБИ АНТОНИУ ГУТЕРРИШ БИЛАН УЧРАШДИ. ШУНИНГДЕК, АҚШ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЖАНУБИЙ ВА МАРКАЗИЙ ОСИЁ БЎЙИЧА МАХСУС ВАКИЛИ СЕРЖИО ГОРНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ. У БИЛАН МУЛОҚОТДА ЭНЕРГЕТИКА, ТРАНСПОРТ, МУҲИМ МИНЕРАЛЛАР, РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР, СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ ҲАМДА «С5+1» ДОИРАСИДАГИ БЎЛАЖАК ТАДБИРЛАРГА ТАЙЁРГАРЛИК МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ. БУ ЭСА МАМЛАКАТИМИЗ ТАШҚИ СИЁСАТИНИНГ ЎЗАГИГА АЙЛАНГАН ТУРЛИ КУЧ МАРКАЗЛАРИ БИЛАН МИЛЛИЙ МАНФААТ АСОСИДА ИШЛАШ ВА ТАНЛОВ ИМКОНИЯТИНИ КЕНГАЙТИРИШ – КЎП ҚУТБЛИЛИК СИЁСАТИНИ ЯНА БИР БОР НАМОЁН ЭТДИ. **«БИЗ ШУНДАЙ КЎП ҚУТБЛИЛИК ТАРАФДОРИМИЗКИ, У ЯНГИ АЖРАТУВЧИ ЧИЗИҚЛАРНИ ЯРАТМАЙДИ, БАЛКИ ИМКОНИЯТЛАР МАКОНИНИ КЕНГАЙТИРАДИ, МИНТАҚАВИЙ ЛОЙИҲАЛАР ВА ТАШАББУСЛАР ЎЗАРО РАҚОБАТЛАШМАЙДИ, БАЛКИ БИР-БИРИНИ САМАРАЛИ ТЎЛДИРАДИ»,** ДЕДИ ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИ.

Ўзбекистон учун бу анча прагматик ёндашув. Хитой – инвестиция, ускуна, инфратузилма ва саноат кооперациясининг муҳим манбаи. Россия савдо, энергетика, ишлаб чиқариш, меҳнат бозори ва инсонлар ўртасидаги алоқаларда улкан аҳамиятини сақлаб қолмоқда. АҚШ ва Европа Иттифоқи технология, сармоя, халқаро стандартлар ҳамда янги бозорларга чиқиш имконини беради. Жанубий Осиё эса янги транспорт йўллари ва улкан истеъмол бозорлари истиқболи деганидир. Бундай муносабатлар тизими ҳар бир вазифа учун энг мақбул ҳамкорни танлаш имконини тақозо этади.

Бугун Хитой билан алоқаларнинг кўлами айниқса яққол кўзга ташланмоқда. Шавкат Мирзиёев ва Си Цзиньпин учрашувида ўтган йили икки мамлакат ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 18 миллиард долларга яқинлашгани алоҳида қайд этилди. Яқин йилларда уни 30 миллиард долларга етказиш бўйича янги маррани белгилаш таклиф этилди.

Амалга оширилаётган қўшма инвестиция лойиҳалар портфели қарийб 60 миллиард долларни ташкил этмоқда. Ўзбекистонда Хитой капитали иштирокидаги 6 мингдан ортиқ қўшма корхона фаолият юритяпти. Хитой – Қирғизистон – Ўзбекистон темир йўли қурилиши давом этмоқда, энергетика, автомобилсозлик, тоғ-кон саноати ва юқори технологиялар соҳаларидаги ҳамкорлигимиз кенгаймоқда.

> АЛОҚАЛАР ҚАНЧАЛИК ЙИРИКЛАШСА, УЛАРНИ МУВОЗАНАТЛАШ ВА БОШҚА ЙЎНАЛИШЛАРНИ ҲАМ РИВОЖЛАНТИРИШ ШУНЧАЛИК МУҲИМ АҲАМИЯТГА ЭГА БЎЛИБ БОРАВЕРАДИ. ШҲТ ЭНДИ ЯНГИ БИР МАКОН – **РАҚАМЛИ ҲУДУДНИ ҲАМ ЎЗЛАШТИРЯПТИ. БИШКЕКДА МИНТАҚАВИЙ МАЪЛУМОТЛАРНИ ҚАЙТА ИШЛАШ МАРКАЗЛАРИ ВА ҲИСОБЛАШ ҚУВВАТЛАРИНИ ЯРАТИШ, СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ САНОАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ. БУ СОҲАДАГИ ҲАМКОРЛИК БЎЙИЧА АЛОҲИДА МЕМОРАНДУМ ИМЗОЛАНДИ.** ШУНИНГДЕК, ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИ ШҲТНИНГ ОЧИҚ КЎП ТИЛЛИ МАЪЛУМОТЛАР КОРПУСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА ТОШКЕНТДА СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ ҲАМДА ЯНГИ РАҚАМЛИ ЕЧИМЛАР ФОРУМИНИ ЎТКАЗИШНИ ТАКЛИФ ҚИЛДИ.

Шу ўринда Марказий Осиё ўзи фойдаланадиган технологияларни яратишда қай даражада иштирок эта олади, деган муҳим савол туғилиши табиий. Зеро, бугунги кунда миллий мутахассислар, маълумотлар базаси ва ҳисоблаш инфратузилмаси ҳам темир йўллар ва энергетика каби стратегик мустақилликнинг муҳим омилига айланяпти.

Ўзбекистон учун сув, озиқ-овқат ва энергетика хавфсизлиги ягона стратегик масаланинг ўзаро чамбарчас боғлиқ узвларидир. Сув ресурсларидаги ўзгариш қишлоқ хўжалиги, электр энергияси ишлаб чиқариш, нархлар ва ижтимоий барқарорликка бевосита таъсир кўрсатади. Шу сабабли давлатимиз раҳбари 2035 йилгача сув ва энергетика самарадорлиги бўйича ШҲТ технологик ҳамкорлик дастурини ишлаб чиқишни таклиф этди.

Афғонистон билан мунтазам мулоқотни тиклаш ташаббуси ҳам ана шу стратегик мантиққа таянади. Қўшни мамлакатдаги вазият Ўзбекистоннинг жанубий чегаралари хавфсизлиги, минтақавий савдо ва Жанубий Осиё портларига чиқиш имкониятига таъсир қилади. Афғонистоннинг барқарор минтақавий иқтисодий жараёнларга қўшилиши Марказий Осиёнинг транспорт географиясини сезиларли даражада ўзгартириши мумкин.

Бишкек саммитидан кейин ШҲТ олдидаги асосий вазифалардан бири сиёсий салоҳиятни иқтисодий самарага айлантириш билан боғлиқ бўлади. Евроосиёнинг катта қисмини қамраб олган ташкилот улкан бозор, ресурс ва ишлаб чиқариш салоҳиятига эга. Аммо бу имкониятлар ҳали ягона иқтисодий тизим сифатида тўлиқ ишламаяпти. Демак, ШҲТнинг кейинги босқичдаги самарадорлиги Тараққиёт банкининг ишга тушиши, чегараларда юк ҳаракатининг тезлашиши, трансчегаравий ишлаб чиқариш занжирларининг шаклланиши, бизнеснинг янги бозорларга кириши ва ташкил этилаётган институтларнинг амалий натижаси билан ўлчанади.

Ўзбекистоннинг ташаббуслари ШҲТни ана шу йўналишда ўзгартиришга қаратилган. Уларни бирлаштириб турган асосий ғоя – ўзаро боғлиқлик орқали стратегик мустақилликни кучайтириш. Транспорт йўллари, бозорлар, сармоя манбалари, технологиялар ва ҳамкорлар қанчалик хилма-хил бўлса, давлатнинг ташқи инқирозларга боғлиқлиги шунчалик камаяди.

Бу масала Евроосиё марказида жойлашган Ўзбекистон учун айниқса муҳим. Мамлакатнинг иқтисодий имкониятлари кўп жиҳатдан қўшни давлатлар, транзит йўлаклари ва ташқи бозорларга чиқиш шароитларига боғлиқ. Шунинг учун минтақавий алоқаларни кенгайтириш ташқи сиёсатнинг қўшимча йўналишидан ташқари миллий барқарорликнинг асосий шартларидан бири ҳамдир.

Агар ШҲТ қитъа харитасини транспорт, саноат, сармоя, технология ва инсонлар алоқасидан иборат ягона тармоққа айлантира олса, Марказий Осиёнинг геосиёсий роли янада ортиб, йирик кучлар орасидаги оралиқ ҳудуддан уларни боғлайдиган иқтисодий ва сиёсий марказга айланади. «Тўсиқларсиз Евроосиё» ғоясининг ҳақиқий мазмун-моҳияти ҳам ана шунда.

Жаҳонгир НАҲАНОВ
«ISHONCH»

Таҳлил

БАҒРИКЕНГЛИК МУҲИТИ

Марказий Осиё, хусусан, бугунги Ўзбекистон ҳудуди тарихда ислом илми ва тафаккурининг йирик марказларидан бири бўлган. Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Бурҳониддин Марғиноний каби буюк алломалар айнан шу заминда вояга етиб, бутун мусулмон оламига танилган ва бой илмий мерос қолдирган. Ушбу бебаҳо мерослар асрлар давомида халқимизнинг маънавий-диний дунёқарашини шакллантириб келган.

Бироқ XX асрдаги совет мафкураси даврида диний эътиқод давлат назорати остига олинди. Масжид ва мадрасалар ёпилиб, диний таълим чекланди, кўплаб уламолар ва зиёлилар таъқибга учради, миллий-диний мерос унутилиш арафасига келди. Бу даврда миллионлаб фуқаролар ўз эътиқодини очиқ изҳор эта олмади, диний билим фақат яширин тарзда берилди. Шу боис мустақилликнинг қўлга киритилиши халқ учун нафақат давлат суверенитетини, балки йўқотилган маънавий-диний ўзликни ҳам қайтарди.

Сўнгги ўн йилликда диний-маърифий соҳа институционал жиҳатдан тубдан янгиланди. Президентнинг 2018 йили 16 апрелда қабул қилинган «Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони асосида «жаҳолатга қарши маърифат» ғояси давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Ушбу йўналишда бир қатор йирик илмий-маърифий муассасалар ташкил этилди. Жумладан, яқин йилларда ташкил этилган Ислом цивилизацияси маркази мусулмон оламининг илмий-маданий меросини, хусусан, Марказий Осиёнинг жаҳон цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссасини халқаро миқёсда намойиш этувчи янги илмий-маърифий ва музей мажмуаси сифатида қад ростлади.

Бугунги кунда мамлакатимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари ҳамда 16 та диний конфессия аъзолари тинч-тотув ва бир-бирига ҳурмат асосида яшаб келмоқда. Мусулмонлар билан бир қаторда, православ, католик, протестант, яҳудий, буддавий ва бошқа диний жамоалар ўз ибодат маросимларини эркин ва хавфсиз тарзда амалга оширмоқда. Турли халқаро конференция ва форумларда иштирок этган чет эллик диний арбоблар Ўзбекистонда миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик борасида олиб борилаётган сиёсатдан мамнунлигини билдириб келмоқда.

Диний-маърифий соҳадаги ислоҳотларнинг муҳим йўналишларидан яна бири жамиятни турли бузғунчи ғоялар ва диний экстремизм таъсиридан асрашдир. Бу борада Ўзбекистон жаҳон амалиётида ўзига хос, инсонпарварлик тамойилларига асосланган йўл танлади. Репрессив чоралар ўрнига профилактик ва маърифий ёндашув устувор йўналиш сифатида белгилаб олинди.

2016 йилдан то бугунги кунга қадар мамлакатимизда экстремистик гуруҳларга алоқадор, дея назоратга олинган 20 мингдан ортиқ фуқаро тегишли «махсус ҳисоб»лардан чиқарилди. Шунингдек, тақиқланган диний оқимларга адашиб қўшилиб, кейинчалик пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган фуқаролар Президентимизнинг афв этиш тўғрисидаги фармонлари асосида ҳар йили озодликка чиқарилиб, жамиятга қайтадан мослаштирилмоқда. 2019-2020 йилларда амалга оширилган «Меҳр» операцияси доирасида эса Яқин Шарқдаги жанговар ҳаракатлар олиб борилган ҳудудлардан 531 нафар аёл ва болалар ватанга қайтарилиб, уларнинг ижтимоий реабилитацияси ва жамиятга қайтадан интеграцияси бўйича тизимли ишлар олиб борилди.

Бундай инсонпарварлик сиёсати билан бир қаторда, ёшларга ислом динининг ҳақиқий моҳиятини, унинг тинчлик, илм ва мўътадиллик дини эканини чуқур сингдиришга қаратилган маърифий тадбирлар ҳам изчил давом эттирилмоқда. Диний таълим муассасалари, оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқлар орқали аҳоли, айниқса, ёш авлод ўртасида диний саводхонликни ошириш, уларни турли ғаразли ва бузғунчи мафкуралар таъсиридан ҳимоя қилиш борасидаги ишлар давлат сиёсатининг муҳим таркибий қисмига айланди.

Ўзбекистонда диний эркинлик борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар халқаро миқёсда ҳам юксак баҳоланмоқда. Мамлакатимиз 2006 йилдан 2018 йилгача АҚШнинг диний эркинлик бўйича «алоҳида хавотирдаги мамлакатлар рўйхати»да бўлган бўлса, сўнгги йиллардаги изчил ислоҳотлар натижасида ушбу рўйхатдан бутунлай чиқарилди. АҚШ Давлат котиблиги томонидан билдирилган расмий баёнотларда Ўзбекистоннинг қонунчилик ва амалиётдаги дадил ислоҳотлари бошқа давлатлар учун ўзига хос намуна бўлиб хизмат қилиши алоҳида таъкидланган эди.

Нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан Ўзбекистоннинг диний-маърифий соҳадаги тажрибаси ҳам ижобий баҳоланмоқда. Жумладан, АҚШдаги нуфузли тадқиқот институтлари эълон қилган таҳлилий мақолаларда минтақамиз тарихий, диний ва интеллектуал салоҳиятига кўра мусулмон дунёсининг янги илмий-маърифий марказларидан бирига айланиш салоҳиятига эга экани алоҳида қайд этилган. Хорижий илмий нашрлар ва эксперт-лар томонидан эълон қилинаётган бундай чиқишлар мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг халқаро аҳамиятини ҳам яққол намоён этади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ўтган 35 йил мобайнида диний-маърифий соҳада ҳам сезиларли ўзгаришлар юз берди. Конституциявий кафолатлардан тортиб замонавий қонунчиликкача, янги илмий-маърифий марказлар тармоғидан тортиб халқаро миқёсдаги эътирофларнинг барча-барчаси эътиқод эркинлиги ва тинч-тотувлик борасида ҳар жиҳатдан қадрлидир.

Виждон эркинлиги – бу шунчаки ҳуқуқий тушунча эмас, балки халқнинг маънавий ўзлигини англаши, ўтмиш билан боғлиқлигини ҳис этиши ва келажакка ишонч билан қадам қўйишининг муҳим шартидир. Буюк аждодларимиз Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий каби алломаларнинг илмий мероси бугунги кунда қайта жонланаётгани, ёшларимиз ўз тарихи ва эътиқоди билан фахрлана олаётгани буларнинг барчаси айнан мустақиллик ато этган неъматлардир.

Давлатимиз раҳбарининг Мустақиллигимизнинг 35 йиллигидаги нутқида илгари сурилган Еттинчи миллий дастур дунёдаги давлатлар билан дўстона муносабатларни янада юксалтириш ҳамда тинчликни асрашда мустаҳкам кўприк ва кафолат бўлиб хизмат қилади.

Зеро, буюк аждодларимизнинг бой маънавий меросини асраб-авайлаш ва жамиятда бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлаш ҳар бир фуқаронинг бурчидир.

Шукрулло ЖЎРАЕВ,
Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази бўлим бошлиги

Энг катта хато одам ўзини ҳамма нарсада бенуқсон деб билишидир.
Карлейл

Китобингизни ўқидим

«ТИЛСИМ»НИНГ СИРИ



Назира Бойматоровани «Тилсим» («Янги китоб» нашриёти, 2026) китобини ўқир эканмиз, аввало, унда шоира қалбининг самимий овозини ҳис этамиз. Соғинчлари, қувончлари сўзга айланиб, яхлит бир руҳий манзарани ҳосил қилади. Ҳаётнинг аччиқ ва ширин кечмишлари, инсоннинг ўзлигини англаши, Ватанга бўлган беқиёс муҳаббат жаранг сочади. Барчасини, яъни беғуборлик, эркинлик, табиийлик ва ҳаётга ишончни қуйидаги биргина тўрт мисрада ифодалайди:

Тоғдаги шўх лоладай бўлиб,
Қайғуси йўқ боладай бўлиб,
Ўз бахтимдан энтикиб тўлиб,
Энди фақат кулиб яшайман.

Лола тоғ бағрида ҳеч кимга тақлид қилмай, ўз табиати билан очилганидек, лирик қаҳрамон ҳам ҳаётнинг турли синовларидан ўтиб, ўз бахтини англаган ҳолда яшашга интилади:

Ўзим оддий, сўзим оддий,
Оддийликка топиндим.
Оддийликни бошгинамга,
Рўмол қилиб ёпиндим

мисраларида шоира ўзлигини ниҳоятда содда, аммо теран тарзда баён этади. Бу ерда оддийлик камтарона яшаш қоидаси эмас, балки катта маънавий танлов сифатида намоён бўлади. Шу ўринда инсоннинг ҳақиқий камолоти ўзини бошқалардан устун қўйишда эмас, ўз қадрини англаган ҳолда, кибрдан йироқ туришида кўринади.

Киборлару манманларга
Сира ҳавас қилмадим

деган иқрор ҳам шоиранинг ҳаётий мезонини очиб беради. У ташқи шуҳратдан кўра, ички покликни, баландпарвоз даъволардан кўра, самимийликни афзал билади. Ана шу пок қалбда «Юрагимдан бир муқаддас Ватан чиққай», деган буюк истак туғилади. Бу шеърда Ватан оддий бир ҳудуд ёки харитадаги чегара эмас, инсоннинг юрагида барпо бўладиган муқаддас маънавий макон сифатида тасвирланади.

Оҳларимдан гулга тўлган чаман чиққай,
Юрагимдан бир муқаддас Ватан чиққай

сатрларида дарднинг гулга, соғинчнинг чаманга, қалбнинг Ватанга айланиши каби юксак бадиий уйғунлик бор. Шеърда тарихий хотиранинг таъсири ҳам кучли. Айниқса, ҳижронда ёнаётган Бобур тимсоли Ватаннинг инсон учун қанчалик муқаддас эканини яна бир бор ҳис эттиради. Чунки Ватан қадри кўпинча ундан узоқлашганда, уни соғинганда янада теран англанади. Шоиранинг дунё кезиб, ўзга юртда ҳам Ватанни қалбида олиб юриши ана шу ҳақиқатни тасдиқлайди.

Бу туйғу «Ватан дедим, лаббай, деди юрагим» шеърида янада яққол акс этади. Олдинги шеърда Ватан инсоннинг юрагида бунёд бўлишини кўрсак, бунда юракнинг ўзи Ватан чақириқларига жавоб беради.

Ватан дедим, лаббай, деди юрагим,
Хизматига мен шай, деди юрагим

мисралари шеърнинг таъсир кучини оширган. Аслида ҳам Ватанни севиш унинг хизматига тайёр туриш, равнақига ўз ҳиссасини қўшиш демакдир. Шеърдаги

Ватан фақат Осмон билан Ер эмас,
Ватан фақат Аму ёки Сир эмас

мисралари ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Шоира Ватанни унинг географик белгилари билангина чеклаб қўймайди. Осмон, Ер, Аму ва Сир Ватан манзарасининг таркибий қисмлари, холос. Унинг ҳақиқий моҳияти инсоннинг унга бўлган муҳаббати, хотираси ва садоқатида намоён бўлади. Ҳеч бир Ватан бу тупроққа тенг эмас, деган фикр она тупроқнинг бетакрорлигини, дунё кезиб, турли жойларни кўриш мумкин, аммо инсон қалбидаги ўз юртининг ўрнини бирор макон эгаллай олмаслигининг тасдиғидир.

«Тилсим» туғилди»да китобдан ўрин олган барча шеърлардаги туйғулар – оддийлик, поклик, Ватан муҳаббати, дард, соғинч ва ҳаёт тажрибаси ўз ифодасини топади. Бунда шоира ижодни вақтинчалик қизиқиш эмас, умрбод ҳамроҳликка қиёслайди. Фарзандларим – шеърлар туғилди, дея ҳар бир шеърни шоир қалбидан дунёга келган фарзанд сифатида тасвирлайди. Янги шеърнинг туғилиши эса она тўлғоғига ўхшатилади. Бу ҳақиқий ижоднинг осон кечмаслигини, унинг ортида руҳий изтироб ва катта меҳнат борлигини англатади.

Аслида «Тилсим» сирли ва сеҳрли бир нарса эмас, балки шоиранинг қалби, умри, кечинмалари ва ижодий изланишларидан туғилган мўъжизадир:

Танглайимга босдим сўзимни,
Ҳаққа таслим этдим ўзимни,
Шул мўъжиза – «Тилсим» туғилди.

Шу нуқтаи назардан қараганда, китобдаги барча шеърлар бир-биридан узилган алоҳида туйғулар эмас, балки занжирдек боғланган бир бутунликдир. Ана шу жиҳат «Тилсим»нинг сирини очади.

«Тилсим» шунчаки китоб номи эмас, балки ўзликни англаш, ҳаётни қабул қилиш ва қалбдаги энг нозик туйғулар жамланмаси, десак янглишмаймиз. Унинг энг катта қиммати эса ўқувчини шоирнинг қалбига етаклабгина қолмай, ўз қалбига назар ташлашга, ўз бахтини англашга, Ватанини севишга ва ҳаётда эзгу ном қолдиришга ундашидир.

Муҳаммад АБДУРАҲМОН

Мулоҳаза

ХОТИН-ҚИЗЛАР ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯСИ:

ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ ВА ҚАДРИЯТЛАР УЙҒУНЛИГИ

Одатда «зўравонлик» дейилганда, кўпчиликнинг кўз олдига маиший жанжаллар, оиладаги жисмоний тазйиқлар келади. Бугунги кунда оилавий зўравонликдан азият чекаётган аёлларга кўмак бериш бўйича «Маҳалла етти-лиги», ИИВ тизимидаги хотин-қизлар масалалари бўйича инспекторлар, Президент ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ҳамда Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш марказлари томонидан салмоқли ишлар қилинмоқда. Лекин масаланинг яна бир жиддий, аммо кўпинча назардан четда қолаётган томони ҳам бор. Бу турли корхона ва ташкилотларда аёл ходимларга ўтказиладиган яширин руҳий босим ҳамда тазйиқлардир.

Раҳбар ёки мижоз томонидан қилинадиган ноўрин талаблар, иш жойидаги камситиш ва руҳий босимлар, минг афсуски, ҳамон учраб турибди. Бироқ ўзбек аёлига хос андиша, ор-номус ва энг асосийси, «оиламдагилар билса, ишлашимга тақиқ қўяди» деган хавотир сабаб бундай ҳолатлар кўпинча ичга ютилади ва оммага ошкор қилинмайди. Аёл кишининг бундай ноҳақликка мажбуран кўниши ёки сукут сақлаши унинг руҳиятини синдиради, соғлиғи ва меҳнат унумдорлигига сезиларли путур етказади.

Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш шунчаки навбатдаги ижтимоий масала эмас. У жамиятнинг ҳуқуқий ва маънавий даражасини кўрсатувчи мезондир. Аёл киши оилада ҳам, иш жойида ҳам ўзини ҳавфсиз ва қадрли деб ҳис этсагина, жамиятдаги соғлом муҳит ва барқарор келажак ҳақида гапириш мумкин.

Аёлларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари янгиланган Конституциямизда қатъий мустаҳкамлаб қўйилган. Бош Қомуснинг 58-моддасига кўра, хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлидир ва давлат уларга жамият ҳамда давлат ишларини бошқаришда, шунингдек, давлат ҳаётининг барча соҳаларида тенг ҳуқуқ ва имкониятларни таъминлайди. Шунингдек, 42-моддага мувофиқ, ҳомиладорлиги ёки ёш боласи борлиги сабабли аёлларни ишга олишни рад этиш, ишдан бўшатиш ёки иш ҳақини камайтириш қатъиян тақиқланади.

Таъкидлаш жоизки, 2019 йил 2 сентябрда қабул қилинган «Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун ҳам аёлларимиз учун ҳақиқий суянч бўлди. Ушбу қонун билан оилада, жамиятда ва меҳнат жамоаларида аёлларга нисбатан ишлатиладиган ҳар қандай (жисмоний, руҳий, жинсий ва иқтисодий) босимга чек қўйишнинг аниқ механизмлари ҳамда жабрланганларга «Ҳимоя ордери» бериш тартиби белгиланди. Бу ҳуқуқий кафолатлар аёлнинг меҳнат ҳуқуқини камситишга бўлган ҳар қандай уриниш ноқонуний ва жазога лойиқ эканини англатади.

Аслида, аёлга эҳтиром кўрсатиш, унинг қадрини баланд тутиш асрлар давомида шаклланган миллий ва маънавий қадриятларимиздан бири. Шу маънода аёлга ҳурматсизлик қилиш ёки унга босим ўтказиш нафақат қонун бузилиши, балки миллатимиз менталитети ва маънавиятига мутлақо ёт бўлган ҳолатдир.

Тазйиқ ва зўравонликнинг олдини олиш фақат текшириш ёки назорат қилиш билан битмайди. Бунда, энг аввало, ҳар бир жамоада соғлом маънавий муҳит ва ўзаро ҳурмат маданиятини шакллантириш даркор.

Оилавий ва ижтимоий зўравонликка қарши курашишда туб бурилиш ясаш учун бутун жамиятда қарашлар ва муомала маданиятини янги босқичга олиб чиқишимиз керак. Агар раҳбар аёл ўз ташкилотида шахсий ва касбий чегараларни тўғри ва қатъий белгилай олса, бу бошқа хотин-қизларга нисбатан ҳам ҳурмат муҳитини шакллантиришда жонли намуна бўлади.

Меҳнат жамоаларида хотин-қизларга нисбатан яширин босим ва руҳий тазйиқларнинг олдини олиш, хавфсиз ва соғлом меҳнат муҳитини яратиш борасида кутилган натижага эришиш учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

Биринчидан, корхона ва ташкилотларда аёл ходимларга нисбатан бўлаётган руҳий босим ёки ноўрин талаблар ҳақида мурожаат юборишнинг хавфсиз ва махфий тизимини яратиш зарур. Бу борада Меҳнат низолари комиссиялари ва бошланғич касаба уюшмалари фаолиятини қайта кўриб чиқиб, уларнинг чинакам холис ва мустақил ишлашини таъминлаш лозим.

Иккинчидан, меҳнат жамоаларида аёллар турли босимларга қарши қандай ҳимояланиш мумкинлигини содда ва тушунарли тилда билиб олишлари учун мунтазам тарғибот ва тушунтириш ишларини йўлга қўйиш керак.

Учинчидан, ҳар бир ташкилотда аёлларга нисбатан содир этиладиган ҳар қандай босим ва ҳурматсизликка нисбатан кескин ва муросасиз муносабат ўрнатилиши шарт. Бу раҳбарларнинг иш фаолияти ва бошқарув қарорларига бериладиган баҳонинг муҳим мезонига айланиши лозим.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, корхона ва ташкилотларда аёлларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш инсон қадрини баланд кўтариш ва давлат бошқарувини ривожлантиришнинг стратегик асосидир.

Дилнавоз САИДОВА,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат сиёсати ва бошқаруви Академиясининг «Раҳбар аёллар» қайта тайёрлаш дастури тингловчиси

ИБОНИ УНУТ(МА)ДИНГИЗМИ?

қисқа томоша ҳақида узун ўйлар

Бугуннинг гапи

Кейинги пайтда ижтимоий тармоқларда, айниқса, қисқа роликларда шундай манзаралар кўп айланмоқда: бир аёл бир тоғора таомни олдига олиб, чангаллаб оғзига тиқяпти... Водариғ, шу чоққача баъзи эркакларнинг шу тахлит қилиғига аранг тоқат қилаётгандик. Энди навбат хотин-қизларга келибди-да...

Энг таассуфлиси, мана шундай томошалар минглаб «лайк» йиғяпти.

Албатта, бу роликлар ортида турли мақсадлар бор. Бири ҳазил қилмоқчи, бошқаси аудиториясини кенгайтирмоқчи, яна бири овқат рекламаси...

Аммо бир қарашда беозор туюлган бу томошалар аслида жамиятимиз қадриятларига қандай таъсир кўрсатаётгани ҳақида ўйламаяпмиз. Бугун пул эвазига одамни овқатни жуда тез ейишга ёки ноқулай ҳолатга тушишига кўндириш мумкин бўлса, эртага талаблар янада кучайиши, оқибатда инсоннинг ўзи томоша маҳсулотига айланиб қолиши мумкин. Шунинг учун бу ҳодисага фақат ҳазил ёки кўнгилочар томоша сифатида эмас, балки психологик, иқтисодий ва маънавий нуқтаи назардан қараш зарур.

Инсон табиатан ўйин ва синовларга қизиқади. Болаликдан «Ким тезроқ югуради?», «Ким кўпроқ бажаради?» каби мусобақалар бизга таниш. Ғолиб бўлиш ва мукофот олиш ижобий ҳислар уйғотади. Ижтимоий тармоқлардаги «челленж»лар ҳам ана шу психологик механизмга таянади. Томошабин ҳам, иштирокчи ҳам уддалай оладими ёки йўқ, шунга қизиқади.

Аммо бу ерда муҳим фарқ бор. Соғлом ўйин инсоннинг ихтиёрий қизиқишига асосланади. Пул эвазига бажариладиган айрим топшириқларда эса хоҳишга зид ёки саломатлик учун хавфли ҳаракатга ҳам рози бўлиши мумкин. Айниқса, эҳтиёжманд одамга пул зарур. Шунинг учун «Унинг ўзи рози бўлди-ку», деган гап ҳар доим ҳам масаланинг моҳиятини очиб бермайди. Иқтисодий босим остидаги розилик қанчалик эркин эканини ҳам ўйлаш керак.

Кулги инсонга хос энг табиий ва самимий туйғулардан биридир. У ички қувонч, юмор, ҳайрат ёки яқинлар билан илиқ муносабатлардан туғилади. Аммо «бир дақиқа тўхтамай кул», деган топшириқ кулгини табиий ҳисдан буюртма асосида бажариладиган ҳаракатга айлантириши мумкин. Иштирокчи кулгининг ўзи учун эмас, пул учун кулса, томошабин буни оддий кўнгилочарлик сифатида қабул қилади. Ана шунда туйғулар пул билан ўлчанса, самимиятнинг қадри нимада, деган савол туғилади. Биз инсоннинг қувончи, вақти, фикри ва эътиборини оддий товарга айлантиришга ўрганиб қолмаяпмизми?

Демак, бундай «челленж»лар шунчаки ҳазил эмас. Пул ва шов-шув хавфни кўздан яшириши мумкин. Соғлиғини бу нарсаларга алмаштиришга одатланган киши кейинги босқичда янада хавфли топшириқларни қабул қилиши бор гап. Аммо ҳамма нарсани пул билан ўлчай бошласак, вақт, ишонч ва ҳатто қадр-қиммат ҳам бозор қиймати билан баҳоланиш хавфини келтириб чиқариб, бу жараёнда инсон шахс эмас, томошанинг бир қисмига айланиб қолади.

Албатта, ижтимоий тармоқлардаги ҳар қандай пулли акция ёки «челленж»ни ёмон деб бўлмайди. Соғлиқ ва шаънга зарар етказмайдиган ҳазиллар, совринли акциялар ёки реклама тадбирлари маркетингнинг оддий усулларидир. Муаммо бу ҳолатлар меъёрдан ошиши ва инсонни қадрсизлантиришга олиб келишидадир.

Демак, контент яратувчи ҳам, томошабин ҳам масъулиятли бўлиши лозим. У фақат кўришлар сонини эмас, контентининг инсонларга таъсирини ҳам ўйлаши зарур. Томошабин «Қизиқ экан», деб кўриш билан чекланмай, қандай ғоя тарғиб қилинаётганига эътибор бериши жоиз.

Ҳар бир кўриш, лайк ва улашиш маълум маънода контентга берилган овоздир. Агар биз инсонни ноқулай аҳволга соладиган, соғлиғини хавфга қўядиган ёки қадр-қимматини арзонлаштирадиган видеоларни фаол қўллаб-қувватласак, алгоритмга «Одамларга шу ёқади», деган сигнал юборамиз. Шу сабабли «Мен шунчаки кўрдим-ку, ҳеч қандай зарари йўқ», деган қараш тўғри эмас. Чунки нимани кўриш ва нимани қўллаб-қувватлаш орқали рақамли муҳит қандай бўлишини белгилашда ролимиз катта.

> *«Челленж»ларнинг яна бир хавфли жиҳати – тақлид. Ёшлар «У қилди, мен ҳам қиламан», деган фикр билан хавфли ҳаракатларни уйда ёки дўстлари даврасида такрорлаши мумкин. Бу масалада давлат, мактаб ва жамоат ташкилотларининг ҳам вазифаси бор. Болалар ва ўсмирларни зарарли таъсирдан ҳимоя қилиш, контент яратувчилар масъулиятини ошириш лозим.*

Шундай экан, ота-оналар фарзандлари қандай контент томоша қилаётганига эътибор бериши ва уларда танқидий фикрлашни шакллантириши зарур. Болани фақат «Буни кўрма», деб чеклаш эмас, балки «Нега буни кўрмаслик керак?», «У одам ростдан ҳам хурсандми ёки пул учун шундай қиляптими?», «Бу ҳаракат унинг соғлиғига зарар етказмайдими?» каби саволлар орқали фикрлашга ўргатиши даркор.

Инсоният тарихида томоша ва кўнгилочар тадбирлар доимо бўлган. Қадимги Римда гладиаторлар жанглари оммавий томошага айланган. Албатта, бугунги «челленж»ларни гладиаторлар жанглари билан тенглаштириб бўлмайди. Аммо бир ўхшашлик бор. Оммanинг қизиқиши баъзан жисмоний ёки руҳий чегараларни синаш эвазига қондирилади. Технология ўзгарди, томоша майдони экранга кўчди, аммо инсон диққатини жалб қилиш учун ғайриоддий ҳаракатлардан фойдаланиш механизми сақлаб қолинди.

Миллий ва маънавий қадриятларимизда ор-номус, андиша ва виждон юксак баҳоланади. Ҳалол меҳнат қилиб, ҳалол ризқ топган маъқул. Лекин инсонни камситиш, шаънини поймол қилиш, соғлиғини атайлаб хавфга қўйиш ёки бошқаларни алдаш эвазига манфаат орттиришни маънавий жиҳатдан оқлаб бўлмайди. Шунинг учун ҳар қандай таклифдан олдин «Бу иш менинг қадр-қимматимни юксалтирадими ёки арзонлаштиради?», деган саволни ўзимизга беришимиз керак.

«Челленж»ларнинг яна бир хавфли жиҳати – тақлид. Ёшлар «У қилди, мен ҳам қиламан», деган фикр билан хавфли ҳаракатларни уйда ёки дўстлари даврасида такрорлаши мумкин. Бу масалада давлат, мактаб ва жамоат ташкилотларининг ҳам вазифаси бор. Болалар ва ўсмирларни зарарли таъсирдан ҳимоя қилиш, контент яратувчилар масъулиятини ошириш лозим.

Умуман олганда, ижтимоий тармоқлардаги «пул эвазига топшириқ» туридаги контентлар юзаки қараганда кулгили ва беозор кўриниши мумкин. Бироқ улар инсон қадр-қиммати, соғлиғи, вақти ва эътиборини товар сифатида қабул қилишга олиб келадиган хавфли тенденцияларни кучайтириши мумкин. Бу жараённи бутунлай тўхтатиш қийин. Аммо унинг йўналишини ўзгартириш ўз қўлимизда. Бунинг учун инсондан танқидий фикрлаш ва медиасаводхонлик талаб этилади.

Қадриятнинг нархи йўқ. У – бебаҳо. Пулни йўқотган одам яна пул топиши мумкин, аммо бир марта йўқотилган обрў, ишонч, виждон ва қадр-қимматни қайта тиклаш ҳар доим ҳам осон эмас.

Шунинг учун «Бир дақиқа кул», «Шуни қилсанг, пул бераман» ёки «Обуна бўлсанг, мукофот оласан», деган таклиф олдида бир зум тўхтаб, ўзимиздан «Бу менга нима беради ва эвазига нимани йўқотишим мумкин?» дея сўрайлик. Зеро, жамият тараққиёти фақат моддий бойлик билан эмас, балки маънавий бойлик билан ҳам ўлчанади. Шунинг учун ҳар қадамда пулни ёки қадр-қиммат, деган саволни ўзимизга берайлик. Жавобни эса виждонимиз берсин...

Дарвоқе, яна ўша қисқа видео ҳақида. Азалдан ўзбек аёли деганда кўз ўнгимизда ибо-ҳаёли онахонлар гавдаланарди. Бугун эса...

Кечагина қиз болага ўзини тутиши, ҳар бир қадами ва сўзига эътиборли бўлиши керак, деб тарбия берилган бўлса, ҳозир ушбу мезонлар осонгина четга суриляпти. Бугун оддий кўринган бир видео эртага одоб меъёрининг ўзгаришига, уят ва ҳаё тушунчаларининг қадрсизланишига сабаб бўлмасмикан?

Салим АБДУРАҲМОНОВ
«ISHONCH»

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши жамоаси тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Миришкор тумани кенгаши раиси

Ойбек Элчиевич ҲАМРАЕВ

вафот этгани муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.

Марокли дам олинг, азиз газетхон!



Нуриддин Ҳамроқулов ижросида
«НА СЕН ДЕДИНГ, НА МЕН ДЕДИМ» қўшиғи

Баҳор сабза рўмолини боғлади,
Гул алвонин ёйди ул, ардоглади,
Дарё тўлқинлари кўнглим чоғлади –
На сен дединг, на мен дедим ул сўзни.

MUASSIS:
O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002
2007-yil 11-yanvarda O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro‘yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetalari tahrir hay’ati:
Qudratilla RAFIQOV
(tahrir hay’ati raisi),
Ulug’bek JALMENOV, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfullo AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G’OYIBNAZAROVA, Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o’rinbosari),
Mehriddin SHUKUROV (Mas’ul kotib – «Ishonch»),
Valentina MARSENYAK (Mas’ul kotib – «Ishonch-Доверие»)
Bosh muharrir
Husan ERMATOV

«Ishonch»dan olingan ma’lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko‘rsatilishi shart.
Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Bo‘limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89
Milliy-ma’naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43
Marketing va obuna – (71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlar:
Qoraqalpog’iston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20
Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati – (+998-99) 889-90-31
Navoiy viloyati – (+998-90) 500-05-12
Jizzax viloyati – (+998-94) 688-00-27
Namangan viloyati – (+998-93) 213-09-66
Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26
Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55
Surxondaryo viloyati – (+998-91) 193-19-70
Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44
Farg’ona viloyati – (+998-99) 889-90-24
Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01
Qashqadaryo viloyati – (+998-97) 705-08-93

Navbatchi muharrir: Alijon ABDURAHMONOV
Musahhih: Dilorom XUDOYBERGANOVA
Sahifalovchi: Hasan ABDUJALILOV
Bosishga topshirish vaqti – 22:30
Topshirildi – 23:00
Bahosi kelishilgan narxda
Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko‘chasi, 24-uy.
E-mail: ishonch1991@yandex.uz
Nashr ko‘rsatkichi: 133
Gazetaning poligrafik jihatdan sifatli chop etilishiga bosmaxona mas’ul.
Gazetaning yetkazib berilishi uchun obunani rasmiylashtirgan tashkilot javobgar.

Umumiy adadi 35 038 ta
Shundan: 6 508 nusxasi
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi – Toshkent shahri, Buyuk Turon ko‘chasi, 41-uyda;
19 339 nusxasi
«Erudit» MCHJ bosmaxonasi – Samarqand shahri, Spitamen ko‘chasi, 270-uyda;
9 191 nusxasi
«Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi – Marg’ilon shahri, Turkiston ko‘chasi, 236-«b» uyda chop etildi.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq. Buyurtma: G-911
1 2 3 4 5 6